



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 60 (12.371)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



КАСАНАЧИЛИККА — МУҲИМ ЭЪТИБОР

Маҳсулотларини бозор ва харидор талаби асосида тайёрлаётган «Химоя кийим» масъулияти чекланган жамияти томонидан турли хилдаги махсус иш кийимлар ишлаб чиқарилмоқда.

Юнусобод туманида фаолият олиб бораётган мазкур корхонада бугунги кунда курувчилар, сантехниклар ва бошқа соҳа ходимлари учун устки иш кийимлари, жумладан, турли ўлчамдаги куртка, пиджак ва кўлоқларнинг эллика яқин хили тайёрланмоқда.

Маҳсулотларимизни талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда яратар эканмиз, — дейди корхона раҳбари Равшан Зокиров, — пахтани қайта ишлаш асосида тайёрланган матолар бизга қўл келмоқда. Сифатга эътиборни қаратаётганимиз, товарларимизнинг замонавий дизайнга эга бўлганлиги боис харидори кун сайин кўпаймоқда.

2010 йилдан бошлаб фаолият олиб бораётган ушбу жамиятда айни пайтда ўттиз нафардан зиёд тажрибали ишчи меҳнат қилади.

Корхонада касаначиликни ривожлантириш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўн нафарга яқин аёл ўз уйда бичиш-тиқиш ва маҳсулотларни сотувга тайёрлаш билан шуғулланади. Улар ўз меҳнати билан оиласига наф келтираётганидан мамнун. Дилноза Одилова — шундай касаначилардан бири.

Касаначи бўлиш корхонада ишлагандан кўра мен учун қулайроқ, — дейди Дилноза опа. — Қулайлиги шун-

даки, мен фарзандларим тарбияси ва рўзгор юмушларидан ажралмаган ҳолда оила бюджетига даромад келтирмоқдаман. Бу тарзда ишлаш нафақат менга, балки кўплаб уй бекаларига ҳам маъқул бўлмоқда.

Ўтган йил якунларига кўра, корхона ходимлари 25 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариб, олдидарига қўйган режани ортиги билан бажаришга муваффақ бўлишди. Ишлаб чиқариш кўлами 2011 йилга нисбатан 30 фоизга кўпайди. «Химоя кийим» жамоаси «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг туман босқичида иккинчи ўринга лойиқ топилди, Тошкент халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида қатнашиб, махсус сертификат билан тақдирланди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва салмоғини янада ошириб боришга оид ишлар изчил давом этмоқда. Яқинда матоларни бичишга мўлжалланган дастгоҳ ҳамда компьютерли оверлок харид қилинди. Жорий йилдан қўзланган яна бир мақсад — тикув машиналарини янада замонавийсига алмаштириш. Ҳозир шу каби ишларни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси 2013 йил 28 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2013 йил 27 март соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат шарқшунослик институтида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференция «Буюк Ипак йўлининг ўтмиши ва ҳозирги кун:

ривожланишнинг ижтимоий-маданий, тарихий, сиёсий ва иқтисодий йўналишлари» мавзусига бағишланди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга мо-

лик масалалар» мавзусида давра суҳбат ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиал ҳамда бўлимларининг фаолиятига

бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

✓ **27-29 МАРТ** кунлари «Ўзэкспомарказ» ОАЖ миллий кўргазмалар мажмуида «Uzbekistan Industrial Forum — 2013» V Халқаро саноат форуми бўлиб ўтади.

2013 йил — Обод турмуш йили

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Тадбирда Республика байналмилал маданият маркази директори Н. Муҳаммадиев ва бошқалар Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва оқилоллик, кўпмиллатли халқимизнинг ҳам-жиҳатлиги жадал ривожланаётган жамиятимизнинг фаровонлиги ва тараққиётини таъминлаётган муҳим омиллардан эканини таъкидладилар. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлиқни таъминлаш, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятимиз фаровонлигини изчил юксалтириш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқаролар, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар, меҳнат қилиш, билим олиш, ўз имконияти ва қизиқишларига кўра касб танлаш ва тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланган. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг миллий урф-одат ҳамда анъаналари, қадриятларини асраш ва ривожлантириш, уларни ягона мақсад — эркин ва фаровон Ватан

Халқимизнинг сеvimли байрамларидан бири бўлган Наврўз нафақат табиат, балки инсон қалбининг ҳам уйғониш, янгилиниш фаслидир. Наврўз кунлари турли анъанавий тадбирлар, халқ сайиллари ўтказилади. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мамлакатимиздаги турли миллий маданият марказлари вакиллари кўклам байрамини кенг нишонлади, дея хабар беради ЎЗА.

барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида жипслигини таъминлаш учун имкониятлар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди, уларнинг миллий маданияти, урф-одат ва анъаналарини асраш ҳамда ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларида ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 140 дан ортиқ маданият марказларини қўллаб-қувватламоқда, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиклол госяига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимизда дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳ-

камлашга хизмат қилмоқда.

Миллий боғда этнографик кўргазма ташкил этилди. Унда ҳар бир миллий маданият маркази ўз урф-одат ва анъаналарини намойиш этди. Пойтахтимиз аҳолиси вакиллари тендларни катта қизиқиш билан томоша қилди, миллий кўшиқларни тинглаб, турли таомлардан таътиб кўрди. Тасвирий, амалий санъат намуналари уларда ўчмас таассурот қолдирди. «Наврўзи олам муборак!» концерти байрамга ўзгача руҳ ва кўтаринкилик бағишлади. Унда барча миллий маданият марказларининг энг сара жомалари ва санъаткорлари ўз маҳоратини намойиш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотинқизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова қатнашди.

Роман БОНДАРЧУК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланаётгани алоҳида таъкидланди.

ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИ ВА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ

Пойтахтимизда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағларини оқилона сарфлаш устидан молиявий назорат қилиш, ушбу соҳада қабул қилинган қарорлар ижроси бўйича давлат ва хўжалик тузилмалари масъулиятини кучайтиришга доир долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган давра суҳбатига бу алоҳида қайд этилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва кўмиталар масъул ходимлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси раиси М.Тешабоев мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар тараққиёт-

мизнинг муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан молиявий назоратнинг тўғри ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этаётди. Палата хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш билан бирга йўл қўйилган хатолар борасида тегишли кўрсатма ва йўналишлар ҳам бериб келмоқда.

Давра суҳбатига Ҳисоб палатаси фаолияти, сиёсий партияларнинг молиявий масалалари, солиқ соҳасидаги янгиликлар, тадбиркорликда ишара муносабатлари, меҳнат ҳуқуқлари ҳусусида фикр алмашилди. Ташқи аудитини ўтказиш, давлат бюджетни лойиҳаси экспертизасига оид маърузалар тингланди.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Нукусда ўтказилган «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 46 нафар тадбиркор, фермер ва хунарманд қатнашди.

• Тошкентда «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2006 йилда ташкил этилган мазкур молия муассасасининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлил этилиб, 2012 йил якунлари сарҳисоб қилинди.

• Андижонда муддатли ҳарбий хизматни ўташни бошлаган аскарларнинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Шарқий ҳарбий округ, вилоят ҳокимлиги ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, ҳарбий гарнизон сержант ва офицерлари, аскарларнинг ота-оналари ва яқинлари иштирок этди.

• Бухорода вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» широри остида фестивал бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги олий ўқув юртли ва касб-хунар коллежларининг фаол ёшлари иштирок этди.

• Қашқадарё вилояти Фузур туманида аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва эришилаётган ютуқлар мазмун-моҳиятини очиб бериш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Жарқўрғон туманидаги «Дехқон озиқ-овқат бозори» МЧЖ ҳудудида доимий фаолият кўрсатадиган ярмарка ташкил этилди. Тумандаги саноат корхоналари, тижорат банклари ҳамда фермер хўжаликлари ярмаркада қармоқча, пийёз, қарам ва бошқа сабзавотлар савдосини уюштиришяпти. Алоҳида растада қўй, мол ва парранда гўштлари нисбатан арзон нархларда сотилмоқда.

ЖАҲОНДА

• Германия федерал разведка хизмати раҳбари Герхард Шиндлернинг таъкидлашича, ушбу хизмат давлат муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарини ҳақерлар ҳужумидан ҳимоялаш чора-тадбирларини кучайтирмоқда. Шу мақсадда ташкилот таркибига кибер ғиноятчиларга қарши курашиш бўлимини очиш режалаштирилган. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда мамлакат разведка хизматида халқаро ҳақерлар ҳужумига муносиб қаршилик кўрсата оладиган 130 нафар маллаки мутахассис керак.

• Профессор Крейк Пэкер бошчилигидаги Миннесота университетининг бир гуруҳ олимлари ўтказган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Африка шарларининг тез орада ярмидан кўпи камайиб кетиши мумкин. Уларни қутқариш бўйича зудлик билан чора-тадбирлар кўрилмайдиган бўлса, аср охирига бориб ушбу ноёб жониворларнинг умуман йўқ бўлиб кетиши хавфи мавжуд.

• Покистоннинг Шимолий Вазиристон музофотидаги назорат ўтказиш пунктида террорчи-камикадзе томонидан бомба портлатилиши натижасида камида 17 нафар ҳарбий хизматчи ҳаётдан кўз юмган.

• Буюк британиялик 9 ёшли Дейзи Моррис бундан тўрт йил муқаддам Уайт ороли соҳилларида тошга муҳрланиб қолган ҳайвон изларини топган эди. Қизиги шундаки, ушбу излар ҳали фанда кашф қилинмаган динозаврга тегишли экан. Бунинг олимлар тўрт йил давомида олиб борган тадқиқотлари натижасида аниқлашди. Излар динозаврларнинг птерозаврлар турига мансуб бўлиб чиқди. Изни топгани учун динозаврнинг ушбу турига қизалоқнинг исми-шарифи берилди. Айтиш керакики, птерозаврлар сайёрамизда бундан қарийб 115 миллион йил аввал яшаган экан.

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг босиб ўтилган 22 йиллик даври давлатимиз ва халқимиз ҳаётида кенг кўламли ислохотлар, улкан янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилган тараққиёт йиллари сифатида тарихдан жой олди. Истиқлол шарофати билан давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги азалий қадриятларимиз, жамоатчилик яшаш тарзи ва бошқарув усули, яъни ўзбек маҳалласининг нуфузи қайта тикланди.

Юртбошимиз томонидан қайд этилганидек, давлатчилигимиз тарихида биринчи марта Конституциямизга "маҳалла" тушунчаси киритилди, фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий замини яратилди. Мамлакатимизда илк бор 1993 йилда (эски тахрирдаги) "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни, 2004 йилда эса "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди, маҳалланинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини ошириш мақсадида улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Айниқса, амалдаги ваколатларини кенгайтириш юзасидан изчил чора-тадбирлар қўрилди. Пировардида, бу йўналишдаги сиёсат маҳалла институтини ривожлантиришга катта таъсир қилди.

Албатта, бу бежиз эмас. Зеро, юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш ва демократик давлат қуриш йўлида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда, фуқаролик институтлари қўллаб-қувватланмоқда. Бундай жамиятни ижтимоий макон тарихида давлат вазибаларини амалга оширишга кўмаклашувчи нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқариш идораларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари муҳим аҳамият касб этиши боис ортиб кетганда уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга эътибор берилганлиги айниқса аҳамиятли.

Бинобарин, мамлакатимизда жамиятини янада демократлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларимиз бугунги кунда янгича мазмун билан бойитилиб, таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз томонидан концептуал аҳамиятга эга бўлган янгича йўналиш ва долзарб вазифалар белгилан берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да олти та асосий йўналиш орасида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга алоҳида урғу берилди.

Давлат раҳбари томонидан концепцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалланинг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг ижтимоий фаолигини ва вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этаётганлиги қайд этилиб, бу вазифани ҳал қилишда қуйдагича 3 та асосий масала кўрсатиб берилди:

Биринчидан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш орқали маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш;

Иккинчидан, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунни такомиллаштириш, айни вақтда уларга бўлиб ўтадиган сайловларда фуқаролар ижтимоий фаолигини кучайтириш ва бунда маҳалланинг ролини ошириш;

Учинчидан, давлат бошқарув органларининг қонун ҳужжатларини ижро этиш фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада маҳалла институти иштирокини кенгайтириш.

Таъкидлаш жоизки, юқоридagi йўналишлар маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш билан бир вақтнинг ўзида давлат ва жамият бошқаруви соҳаларида улар иштирокини кенгайтириш, уларга янада кўпроқ ишона ва масъулият юклайди.

Юртбошимиз томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қайд этилиб, улар орасида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилган.

Қонунга тақлиф этилган бундай қўшимчалар фуқаролар йиғинлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш,

хуудларда оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари вазифалари аҳоли орасидан энг муносиб номзодларни танлаш ва сайлаш, шунингдек бу жараёнда фуқароларнинг ижтимоий фаолигини кучайтириш ва маҳалланинг ролини янада оширилишини таъминлайдиган таъсирчан ҳуқуқий меъёрларни назарда тутди. Албатта, бу бежиздан эмас. "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ 2011 йил май-июнь ойларида мамлакатда фуқаролар йиғинлари раис (оқсоқол)лари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди.

2011 йилда ўтказилган фуқаролар йиғинлари раис (оқсоқол)лари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг олдинги сайловлардан фарқли жиҳати Сенат Кенгашининг 2011 йил 31 мартда "Фуқаролар йиғинлари раис (оқсоқол)лари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида"ги Қарори билан Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш концепцияси қабул қилинганлигидан иборат бўлди. Ушбу Концепциянинг рўйбга чиқарилиши фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови янада самарали ташкил этилиши ва ўтказилишига ёрдам берди.

Жойлардаги сайловолди тадбирларини ташкил этишда Сенат

2013 йил — Обод турмуш йили

МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ ВА МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Кенгаши комиссиясининг аъзолари, сенаторлар, ўз сайлов округларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари фаол иштирок этишди.

Ушбу тадбирни амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органлари ўз ваколатлари доирасида сайловни ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига алоҳида ёрдам берди, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлади.

9940 та фуқаролар йиғинида (109 та шаҳарча, 1326 та қишлоқ, 155 та овул, 8350 та маҳаллада) ўтказилган сайлов яқунларининг тахлили сайлов тадбирлари муносабати шаклда ва муқобиллик асосида ўтганлигидан далолат беради.

Мухтасар қилиб айтганда, 2011 йилдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловлар ижтимоий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юқори савияда, миллий қонунчилик, халқаро норма ва стандартларга тўла амал қилинган ҳолда ўтишди Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва оқик фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик ислохотлар изчил амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Сайловлар мамлакатда демократиянинг ёрқин белгиси ва кўзгуси эканлигини, айниқса, айрим хорижий мамлакатлар экспертлари ва мутахассислари Ўзбекистонда асрлар давомида шаклланиб ва ривожланиётган миллий қадриятимиз — "маҳалла" институтига бўлган қизиқишларини, оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари сайлови жараёнига бўлган иштиқоқларини инобатга оладиган бўлсак, бу тадбирнинг юқори даражада ўтказилишини таъминлайдиган механизмларга яна бир қарра аҳамият бериш кераклигини тушуниш қийин эмас. Бу ўринда гап, авваламбор, энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий асосларга тегишли.

Айтиш мумкинки, бу борада зарур механизмлар шакллантирилган. Назаримизда, эндиликда бу механизмларни янада такомиллаштириш устида ишлаш лозим. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: "Энг аввало қонунчилик фаолиятимиздаги қамчиликларни танқидий баҳолаб, бартаф этиш, қонунчиликнинг мукаммал ва изчил бўлишига эришмоқчилик ва энг муҳими барча ҳуқуқий давлатлар каторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз лозим. Шу билан бирга, қонунчилик ва меъёрий асослар-

ни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ қилиш жараёнидан олдинроқ юриш керак".

Фуқаролар йиғини раислари ва унинг маслаҳатчилари сайловининг қонунчилик асослари ҳақида мулоҳаза юритганда, аввало, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Бош Қомушимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, қолаверса, 1999 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда 2004 йилда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўз ўнгимизда гавдаланади. Гарчи, 1999 йилдаги қонунимизнинг декларатив тусдаги таҳминан учта ёки тўртта моддаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимига оид сайловлар ҳақида бизда етарлича таассурот ҳосил қилмаган бўлса ҳам, бу масала 2004 йилга келиб узил-кесил ҳал этилди. Яъни, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши мазкур тизимда ўзига хос тарихий аҳамият касб этди.

Миллий қадриятимиз дунёнинг демократик сайлов андозалари асосида шаклан бойитилган бўлса ҳам, мазмунан ўзгармаган. Бу — ўзбек маҳалласининг ўзига хослиги. Жамоа фикри, унга бўлган ҳурмат-эътибор маҳаллада доим ўз ўрнини топиб келган. Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг тарихан юзага келган жамоатчилик шакли ўтмишда ҳам, ҳозирги даврда ҳам нафақат сайлов каби ижтимоий-сиёсий жараёнлари, шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир муҳим вазифаларни, дастурларни жойларда ҳал қилишнинг самарали воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

Сайлов борасидаги ислохотларимиз демократик ислохотларнинг тарихий қисми бўлганлиги боис, айтиш мумкинки, юртимизда сайлов қонунчилигининг демократик асослари мустаҳкамланди. Бошқача қилиб айтганда, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловларни халқчил, одил ва ошқоро ўтиши учун зарур ҳуқуқий асослар яратилди ва улар халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига тўла жавоб беради. Бу ҳақда қўллаб олимларимиз ва тадқиқотчилар "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг аҳамияти ҳусусида ижобий фикрларни илгари суриб, унда сайловларни тартибга солиш предмети ва сайловга оид ҳуқуқий жараённинг ўзига хос жиҳатлари белгилан берилганлигини таъкидлайдилар ва эндиликда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини демократизм, ошқоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида очик ёки яширин овоз

бериш орқали амалга ошириш имкониятлари янада кенгайганлигини қайд этадилар.

2013 йилнинг 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қарори билан биринчи ўқишда янги тахрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун лойиҳалари қабул қилинди. "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги янги тахрирдаги Қонун лойиҳасида Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)га номзодга қўйилган талаб ошганлигини сезиш мумкин. Қонун лойиҳасининг 5-моддасида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари кўрсатилган бўлиб, ушбу принциплар қаторига "Очиқлик" принципини ҳам киритиш керак. "Очиқлик" принципи орқали ушбу ҳудудда жойлашган бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан кенгрок танишиш имконияти мавжуд бўлади, шунингдек фуқаролар ҳам ушбу фаолиятда фаол қатнашиш имконияти яратилади.

Қонун лойиҳасидаги 4-боби Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг иқтисодий асосларига янги модда билан тўлдирилдиш керак. Яъни "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳокимият томонидан молиявий таъминоти, "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий бўлиmlари орқали аҳоли соғийга муносабати раёишда тақсимланйиш лозим (бюджет лойиҳасида алоҳида кўрсатиб ўтилиши керак). Бу норманинг киритилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг иқтисодий асосларини қафолатлади.

Хулоса қилиб айтганда, демократик сайловлар орқали фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ишчан ва малакали, тахрибали кадрлар билан таъминлашга эришсак, мунтазам равишда уларнинг малакасини ошириш устида ишлаш, уларнинг ёрдами билан жойлардаги ижтимоий масалаларни самарали ечи борамиз.

Садриддин ХИДИРОВ,
Тошкент Давлат юридик институти
«Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси mudiri,
юридик фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистонда «Электрон ҳукумат»ни шакллантириш жараёни давом этмоқда. Аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатилаётган интерфаол давлат хизматларини барча жойларда жорий этиш унинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

«ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ»: АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КАТТА ҚУЛАЙЛИК

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган конференцияда шу ҳақда сўз юритилди.

Президентимиз Ислам Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуни асослари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Базирлар Маҳмадасининг мажлисида ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари соҳасида истиқболдаги вазифаларни белгилар экан, «Электрон ҳукумат» тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштиришга, ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларини интеграция қиладиган миллий тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нафақат давлат тизимларини бошқариш, балки давлат ва тадбиркорлар ўртасида ўзаро ҳамкорликка кўмаклашган ҳолда бизнес жараёнларни самарали ривожлантириш, фуқароларга интернет тармоғи орқали интерфаол шаклда давлат хизматларидан янада қулай фойдаланиш имконини беради.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Шерматовнинг айтишича, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари фаол жорий этилмоқда, хусусан, аҳоли ва юридик шахсларга давлат ҳокимияти органлари веб-сайллари ҳамда ҳукумат портали орқали интерфаол хизматлар кўрсатилмоқда. 2007 йилда Давлат базавий интерфаол хизматлари реестри тасдиқланган бўлиб, айни пайтда у 195 турдаги хизматни ўз ичига олади.

«Электрон ҳукумат»нинг самарали элементлари сифатида турли соҳаларда 20 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг www.gov.uz ҳукумат портали, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги умумий ахборотни бирлаштирган «E-Komfmnal.uz» портали, тадбиркорлик субъектларининг статистика, солиқ ва бошқа молиявий ҳисоботларини тўплаш ҳамда уларга ишлов беришни автоматлаштириш тизими, Ўзбекистонда виза олиш мақсадида хорижий фуқаролар учун мўлжалланган визаларни расмийлаштириш бўйича он-лайн анкета ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, айни пайтда «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастури, шунингдек, 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришга доир комплекс дастур ишлаб чиқилмоқда. Шу муносабат билан етакчи хорижий экспертлар, турли вазирлик ва идоралар мутахассислари иштирокида давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар ҳамда йиғилишлар ўтказилмоқда.

Ишлаб чиқилаётган лойиҳалар давлат органларининг ўзаро, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлигининг бугунги аҳоли ҳамда йўналишлари эътиборга олинган ҳолда, «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга оид асосий вазифаларни белгилан беради. Бу тизимнинг жорий этилиши натижасида турли идораларга бориш ва давлат хизматчилари билан бевосита мулоқот қилиш зарурлигини истисно этадиган транзакция хизматларига тўлиқ ўтиш кўзда тутилмоқда. Бу эса аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш ва бизнесни юритиш шароитларини яхшилашга кўмаклашади.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ УЧУН ЭЪЛОН ОЛИШ ТАНЛОВ ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Мустақил оммавий ахборот воситаларини янада мустаҳкамлаш, қонунлар, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожланиш соҳасидаги давлат дастурлари талабларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар сиёсатининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш».

— Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган давлат ва жамият бошқаруви устувор вазифаларини ҳал этишда ҳудудий нодавлат ОАВларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

— давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бериш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш;

— аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини янада яхшилашда, аҳоли орасида, айниқса, ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВларнинг ролини ошириш; аҳолининг, энг аввало, ёшларнинг дунёқаролини кенгайтириш ва маънавий қадриятларимизни янада мустаҳкамлаш, уларда мустақил тафаккурни тарбиялаш;

— нодавлат оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга кўмаклашиш;

— миллий матбуотнинг сифати, маҳорати ва самарасини изчил ошириш;

— босма ОАВлар материалларини мамлакатимиз аҳолисининг аъналари, менталитети, кўп асрлик ижтимоий ривожланиш таърибаси ҳамда ҳаёт тамаддунининг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий, ғоявий ва бадиий савиясини юксалтириш;

— ОАВларнинг молиявий ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор механизмларини янада ривожлантириш; — интернет-журналистикасини ривожлантириш, миллий матбуотни халқаро медиа-оламида муносиб ўринга эга бўлиши мақсадида унинг усулларини ўзлаштириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати.

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD-дискдаги электрон варианты.

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (ташкilot муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкilotларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратилдиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача. ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрель соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон қоқамлари: 239-26-76, 239-26-64.



ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛМОҚДА

Баҳор ўлкамизга ўз сепини ёйган, Наврўзи олам шукуҳи кезаётган шу кунларда шаҳримизнинг қайси бир гўшасига борманг, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз.

Жумладан, кун кеча Учтепа тумани электр тармоқлари корхонаси ҳам «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» очик акциядорлик жамияти кўмагида тўла таъмирдан чиқарилиб замонавий қиёфа касб этгани ҳолда истеъмолчиларга намунали хизмат кўрсата болади.

— Қисқа муддат ичида корхонамиз ҳудудида кенг кўламли ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди, — дейди биз билан суҳбатда Учтепа тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Бехзод Иноғомов. — Биномиз тўлиқ таъмирланиб, хоналар қўлайди, компьютер ва таъмирлаш гуруҳи учун «Газел» русумли янги машина олинди. Теварак-тефр ободонлаштирилиб, турли-туман мевафи ва манзарали дараклар, жумладан 36 түп арча экилди, чим ётқизилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида туман электр тармоқлари тизими бўйича ҳам

қатор ишлар амалга оширилди. Чунончи, 8 та трансформатор нимстанциялари мукаммал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга 7 километр узунликдаги паст кучланишда хаво линиялари ҳам тўлиқ таъмирланди. Бугунги кунда Чилонзор даҳаси 11, 12-мавзела аҳолиси, корхона ва ташкilotларни электр энергияси билан таъминлаш ҳамда узлуksиз таъминлаш мақсадида 1 километр 400 метр масофага юқори кучланишда кабель ер остидан ўтказилди. Бундай ишлар давом этмоқда.

Кувонарли томони шундаки, туман электр тармоқлари корхонаси биносининг тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилиши Наврўзи олам тантаналарига уланиб кетди. Шу кунги шаҳар электр тармоқлари корхоналари тизимида фаолият

Ҳар йили баҳор юртимизга бойчечак ифориға тўйинган кўклам шамоли, сочларига гуллар таққан ўзбек қизларининг сумалак атрофида лапарлар айтиши-ю, майса устида бел олишган йигитларнинг шижоати ила кириб келади. Она Ватанимизга янгиланиш фаслининг ана шундай шуқуҳ билан кириб келиши эса қалбларга ўзгача баҳорий кайфият улашиш билан бир қаторда Наврўзи оламнинг ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам авж олади.

Пойтахтимизда 40 мингдан ортиқ ёшларни бир-лаштирган «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам миллий урф-одат ва қадриятларга содиқ қолган ҳолда «Ёшлар сайли» кўҳна қадрият — сумалакнинг ўзгача ифориға улашиб кетди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси етакчилар Кенгаши ҳамда Олмазор тиббиёт коллежи билан ҳамкорликда «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» шиори остида ўтказилган «Наврўз сайли» тантаналари ҳам ана шундай тадбирлардан биридир. Мазкур тадбир кўрик-танлов сифатида ташкил этилиб, баҳорий миллий таомлар, энг гўзал гулчамбар, «Бегойим қизи» миллий соч турмаклари, миллий фольклор намуналари, баҳорий деворий газета, қўли гул дурдоналари, миллий либослар галереяси, варрак ясаш ва учиратиш, арқон тортиш мусобақалари, кураш беллашуви каби шартлар ва бахслардан иборат бўлди.

— «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» шиори остида ўтказилган мазкур «Наврўз сайли» тадбиридан кўзланаятган асосий мақсад, — дейди

«Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси етакчилар Кенгаши раиси Шухрат Байкулов, — талаба-ёшларда миллий урф-одатларимизга, анъана ва қадриятларимизга чуқур эҳтиром, ҳурмат

ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАР ФЕСТИВАЛИ

ва ифтихор туйғусини кучайтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат.

Тадбир сўнггида барча шартлар бўйича ғолиб ва совриндорлар «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси етакчилар Кенгаши ҳамда Олмазор тиббиёт коллежи томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Бугун «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг қайси қисмига борманг, байрамона безатилган давралар ҳамда ёшларнинг ўйин-кулгусига гувоҳ бўласиз. «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ЕК фаоллари бошчилигида режага асосан ҳар кун ҳудудда жойлашган таълим муассасаларида тегишли бўлган талабалар турар жойларида

сумалак сайиллари ўтказилиб, уларда миллий либослардаги қизларни кўриб кўзингиз қувонади. Қадимий урф-одатларимиз, миллий ўйинларимизни, қўшиқ ва лапарларимизни ўзида мужассам этган мазкур «Сумалак сайиллари»да барча тадбирларнинг ташкилотчилари талаба-ёшлар ҳисобланади. Ушбу сайилларнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, қуёшнинг заррин нурлари остида ўтган байрам тадбирлари кеч тушгач, талабалар турар жойларида маънавият кечалари сифатида давом этади. Бу давра суҳбатларида тарихчи ва этнограф олимлар томонидан талаба-ёшларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилади.

Азалдан Наврўз халқимиз томонидан кут-барақа, меҳроқибат ҳамда тўкин дастурхон рамзи сифатида қадрланади. Айниқса, турфа хил баҳорий таомларнинг пиширилишида ҳам ўзига хос рамзийлик бор. Байрам кунларида шаҳарчада миллий таомлар ҳамда хонаки гуллар танловининг ўтказилишида ҳам ўзгача миллийлик, азалий қадриятларга бўлган алоҳида ҳурмат мужассам. Қадриятлар замирида тарбияланаётган ёшларга бу каби миллий урф-одатларни тараннум этувчи Наврўз сайиллари ўтказилиши ўзига хос миллий мактаб бўлса, ажаб эмас.

Наврўз — Истиклолдан куч олган улуг қадрият. Қадриятларни севиш эса ҳар бир ўзбек фарзандининг муқаддас бурчи саналади. Киши миллийликни ҳис этишида қалбида она Ватанга бўлган муҳаббат, эзгу фазилатларга бўлган ҳурмат тугён уради.

(Ўз муҳримиз)

Барчамизга маълумки, республикамизда мустақиллик йилларида ёшлар тарбиясига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Давлатимиз томонидан она-бола саломатлиги ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бугунги куннинг глобал муаммоларидан бўлган ОИТС каби бедаво касалликларга қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирлар

ОИТС — ДАВР ВАБОСИ

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Темир йўл минтақавий ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган «Экология ва саломатлик ойлари» доирасида Тошкент темир йўл муҳандислари институти «ОИТС — давр вабоси» мавзусида тадбир ўтказилди.

Мазкур саломатлик тадбирида Республика ОИТСга қарши курашиш маркази мутахассис шифокори Собир Усмонов иштирок этиб, бугунги кунда юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, ОИТСнинг инсон

ҳаётига солаётган хатари, гиёҳвандликнинг оғир иллатлари ҳақида фикр юритди.

Шунингдек, тадбир давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга малакали мутахассисдан керакли жавобларни олдилар ва келгусида бу каби суҳбатларни давом эттириш ёшларнинг тиббий маданиятини оширишга хизмат қилиши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ушбу тадбир талаба-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятни юксалтириш борасидаги билимларини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Феруза ОРИПОВА

Кўргазмалар

ХАТТОТЛИККА ДОИР АСАРЛАР НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Бадий академияси Камолитдин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида хаттот Салимжон Бадалбоевнинг «Ватан мадҳи» номли кўргазмаси бўлиб ўтди.



Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов Салимжон Бадалбоевнинг ноёб санъатига юқори баҳо бериб, кейинги йилларда мамлакатимизда ўтмиш қадриятларимизга бўлган муносабат, қолаверса, авлод-аждоқларимиздан мерос сифатида келаятган гўзал хаттотлик санъатининг қайта тикланиб, ривожланиб бораётгани ҳақида сўзлади. Салимжон Бадалбоевга Ўзбекистон Бадий академиясининг «Ўзбекистон тасвирий санъатига қўшган юксак ҳиссаси учун» дипломини топширди.

Таъкидлаш жоизки, хаттотлик санъати Шарқ халқларининг узоқ асрлик маданий-тарихий меросида алоҳида ўрин эгаллайди. Хаттотлик санъатининг пайдо бўлиши ҳам уларнинг чиройли ёзишга интилиши натижасидир. Яхши ёзилган хат киши кўнглини кўтарди. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобида таъкидланишича, хунук хат билан ёзилган матн кишининг кўзига катта зарар етказиши. Шунинг учун

хусниҳат билан ёзилган ва кўчирилган китоблар низоҳатда қадрланган, аждоқларимизнинг нодир асарлари мана шу ноёб санъат тури орқали етиб келган. Табиийки, зарринқалам лақатимизда ўтмиш қадриятларимизга бўлган муносабат, қолаверса, авлод-аждоқларимиздан мерос сифатида келаятган гўзал хаттотлик санъатининг қайта тикланиб, ривожланиб бораётгани ҳақида сўзлади. Салимжон Бадалбоевга Ўзбекистон Бадий академиясининг «Ўзбекистон тасвирий санъатига қўшган юксак ҳиссаси учун» дипломини топширди.

Бугунги кунда мана шундай санъат асарларини яратиб келаятган хаттотларимиздан бири Салимжон Бадалбоев 1964-1970 йилларда Тошкент Давлат университетининг филология факультетида таҳсил олган. Устози моҳир хаттот Ҳасанхон Низомов, 1989 йилдан араб хати асосида эски ўзбек ёзувидан мактаб, лицей, институтларда хаттотлик санъатидан устозлик қилган.

2006 йилдан Ўзбекистон Бадий академияси Ижодкорлар уюшмаси аъзоси, 2007, 2008, 2009, 2011, 2012-йилларда Ўзбекистон Бадий академияси қошида ташкил этилган санъат ҳафталигида ғолибликни кўлга киритган. 2007 ва 2009 йиллар мобайнида Миср таълим ва маданият маркази томонидан ташкил этилган тан-

ловда Ўзбекистон хаттотлари орасида икки мартаба юқори ўринга сазовор бўлган. 2009 йилда Ўзбекистон Бадий академияси томонидан С.Бадалбоев «Юксак эстетик маҳорати учун» олтин нишони билан тақдирланган.

Кўргазмадан Салимжон Бадалбоевнинг хаттотликка доир 60 дан зиёд асарлари ўрин эгаллаган. «Ўзбекистон Ватаним меним», «Яша, улуг Ватан», «Ўзбекистон мустақил диёр», «Тошкент тинчлик ва дўстлик шаҳри», «Куч — билим ва тафаккурда», «Савоб ишни ҳар ким ҳар кун қилиши керак», «Ватанини суйган хор бўлмас, элни суйган зор бўлмас», «Борига шукр қил, йўғига сабр қил» деб номланган асарлар шулар жумласидандир.

Моҳира АДИЗОВА,
санъатшунос
СУРАТДА: кўргазмадан
лавҳа

Очингани айтганда, айрим ҳамюртларимиз билиб-билмай ножўя ишга қўл урадилар. Мамлакатимиздаги мавжуд қонун-қоидага кўра хориж валютасини сотиш ва харид қилиш бўйича тартиб белгиланган. Шунга қарамай баъзи фуқаролар бу тартибни бузишмоқда. Натижада ўзларига ташвиш орттиришмоқда.

Ножўя иш — келтирар ташвиш

ҚИНҒИР ИШНИНГ «МИСИ» ЧИҚДИ

Валютага оид жиноятларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида ўтказилган тадбирлар натижаси бунга мисол бўлади.

Чилонзор тумани Муқимий кўчасида жойлашган дўконлардан бири атрофида юрган уювчон — Азим Кодиров, Баходир Исоков ҳамда Алишер Рўзиевнинг (исм-фамилиялар ўзгаририлган) эса кўзи олазарак. Харидор келсаю, тезроқ «қўйи»ни сотишса.

Улар айна тушлик пайти «михоз» билан учрашишди.

— Канчадан бермоқчисиз, — сўради харидор.

— 2770 сўмдан, — жавоб берди «сотувчи»лар.

Олувчи билан сотувчи бир тўхтамага келишди. Уювчон 5000 АҚШ долларини 13.850.000 сўмга сотган пайтда ишнинг «миси» чиқиб қолди. «Бу ишларингиз тартибга зид» дея тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Хориж валютаси савдоси билан нонустий шугулланганларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Бугун улар қилган ишларидан афсусда, бироқ кеч бўлганди.

Нуриддин ЖўРАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚ
Департаменти Бектемир туман бўлими катта
суриштирувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Молия институти куйидаги: «Бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил ва аудит»; «Бизнес ва тадбиркорлик»; «Банк иши»; «Солиқлар ва солиққа тортиш»; «Суғурта иши»; «Молия»; «Лойиҳаларни молиялаштириш»; «Молия бозори ва қимматли қозғозлар»; «Молиявий менежмент» йўналишларидаги кафед-

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун тел: 234-66-58, 235-20-76, 234-90-32.

ралар бўйича бўш (вакант) лавозимларга ривожланган давлатлар олий таълим муассасаларида ўқиб Ph.D ёки магистр даражасига эга бўлган, шунингдек, инглиз тилида дарс олиб бориш имконияти бор, ахборот коммуникацион технологияларини мукамал ўзлаштирган профессор-ўқитувчилар ҳамда ёш мутахассисларни

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 23 апрель кун соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси олиб бориш тартибига ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Ҳамза туман СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман судининг 2011 йил 26 декабрдаги 1-805/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран савдога қўйилган: 1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё Ота кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 536 м.кв. бўлган, икки қаватли ва ертўладан иборат кўчмас мулк биноси (свадебный салон). Бошланғич нархи — 1 859 800 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Шохимардон кўчаси (собик Алиев кўчаси), 84-уйда жойлашган, умумий майдони 1080 м.кв. бўлган, бир қаватли, 4 та бино ва 1 та иншоот ҳамда 1 та ёрдамчи иншоотдан иборат кўчмас мулк биноси. Бошланғич нархи — 1 714 061 000 сўм.

II. Чилонзор тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2011 йил 3 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани, Арнасов кўчаси, 7А-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 2,01 га, ҳақиқий майдони 11583,0 м.кв., бино ва иншоотларнинг умумий майдони 2382,5 м.кв. бўлган 3 та бино ва 2 та иншоотлар савдога қўйилган. Бошланғич нархи — 1 403 696 700 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун олганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбег кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. www.realtorgroup.uz.

Лицензия: № RR-0017.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

**Тошкент шаҳар
табиатни муҳофаза
қилиш қўмитаси
экология масалалари
бўйича Тадбиркорлик
субъектлари учун 2013
йилда ҳар ойнинг учинчи
(21-30) ўн кунлигида**

«ОЧИК ЭШИКЛАР КУНИ»

**ўтказилишини ҳамда
277-00-86, 277-75-43**

рақамли

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

**ишлаётганлигини
маълум қилади.**

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2013 йил 22 мартдаги № ТГ-08-2013 сонли декларациясига асосан, «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси қаттиқ маиший ва суюқ ҳолдаги чиқиндиларни аҳоли, ташкилот ва корхоналардан олиб чиқиб кетиш тарифи 2013 йил 1 апрелдан ошганлиги ва қуйидаги сўмани ташкил этишини маълум қилади:

1. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш — жисмоний шахслардан: бир киши учун (паспорт столларида рўйхатга олинган ва (ёки) олинмаганлигидан қатъи назар) бир ойга — 2300 сўм

2. Қаттиқ ҳолдаги чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш:

— бюджет ташкилотларидан 1м³ учун — 28213,80 сўм

— ҳўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1м³ учун — 28213,80 сўм

3. Суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш:

— бюджет ташкилотларидан 1 тоннасига — 11041,40 сўм

— ҳўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1 тоннасига — 11041,40 сўм

4. НД-310 русумли автомобилларда чиқиндиларни қайта юклаш станцияларидан (Ҳамза, Яккасарой ва Юнусовод ЧКЮШ) Оҳангарон чиқиндиҳонасигача олиб бориш 1 тоннаси учун — 7670,30 сўм

«КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибига ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан тақдим қилинган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 09.01.2012й.даги 527/15-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошланғич нархи — 67 891 614 сўм бўлган Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Бешбегач даҳаси, 11-уйда жойлашган яшаш майдони 29,20 кв.м бўлган 56-хонадон. Аукцион савдолари 2013 йилнинг 19 апрель кун соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2013 йилнинг 19 апрель кун соатининг тақдирда тақдорий аукцион савдоси 2013 йилнинг 10 май кун соат бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2013 йилнинг 5 апрель кун соат 11:00да тақдорий бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 06.03.2013 йилдаги № 29292/14-сонли ижро ҳужжатида асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, К.Шарипов кўчаси, 50-уйда жойлашган умумий майдони 199 кв.м.дан иборат 3 қаватли маъмурий бино 1-қаватининг бир қисми қўйилмоқда. Бошланғич нархи — 55 691 550 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039.

Болалар спорти САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК УЙЎНЛИГИ

**Пойтахтимиздаги
«Форум юниор спорт»
болалар спорт
мажмуасида бадий
гимнастика бўйича
Тошкент шаҳар
чемпионати бўлиб ўтди.**

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилган мусобақада 40 нафарга яқин киз совринли ўринлар ва жорий йилнинг 26-29 март кунлари Наманган шаҳрида бўладиган мамлакат чемпионати йўлланмалари учун бахslashди.

Кизларнинг турли предметларда баҳарган машқлари, музика жўрлигида ижро этган композициялари ҳакамлар томонидан халқаро мусобақалар талаблари асосида баҳолаб борилди.

2002 йилда туғилган кизлар ўртасида Айде Гасанова олтин, Асал Икромов кумуш, Диёра Бурхонхўжаева бронза медални қўлга киритди.

2001 йилда туғилган кизлар ўртасида Диана Абдувоҳидова биринчи, Мохинур Мираъзамова иккинчи ўринни эгаллади.

Спорт усталигига номзод кизлар ўртасида Татьяна Ким шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, Диёра Ҳакимова кумуш, Азиза Маҳмадова эса бронза медалга лойиқ топилди.

Спорт усталари баҳсида Анастасия Сердюкова олтин медалга сазовор бўлди. Али-на Қосимова иккинчи, Алеся Букреева учинчи ўринни эгаллади.

**Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА мухбири**



ШУНДАЙ ЧЕМПИОНЛАР КЎПАЯВЕРСИН

Тадбирда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Шукур Бурхонов, Ҳамза тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Ўткир Қурбоновлар чиқиш қилиб, барча тадбир иштирокчиларини янгиланиш ва яшариш айёми билан муборакбод этишди. Ҳамза тумани ҳокими Фаррух Ҳакимов мамлакатимизда болалар спортга қаратилаётган катта эътибор ҳақида сўзлар экан, мазкур ўқув муассасасининг 2-синф ўқувчиси Нодирбек Абдусатторовни Словенияда шахмат бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатининг голиби бўлганлиги билан самимий кутлади ва ёш жаҳон чемпиониға қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Шахматга болалигимдан қизиқман. Сўнгги йилларда мамлакатимизда спортнинг барча турлари, айниқса болалар спорти кенг ривожланиётгани яққол кўзга ташланмоқда. Шу боис икки ўғлим ва бир қизимни ўқишдан ташқари бўш вақтларида шахмат билан шуғулланишлариға шариит яратишға интилдим. Шукрки, бу ўз самарасини бер-

ди, — дейди Нодирбекнинг отаси Фазлиддин Очилов.

Нодирбек шахмат билан шуғулланишни 4 ёшда бошлаган. Ҳозирда у Юнусобод туманидаги «Вундеркинд» спорт клубида мураббий Равшан Шукров қўл остида шахмат сирларини ўрганиб келмоқда. У Рустам Қосимжонов ҳамда Вишванатан Анандларнинг ўйинларини катта қизиқиш билан кузатиб келади. 8 ёшда бўлишиға қарамай юртимизда ҳамда халқаро миқёсда ўтказилган мусобақаларда 20 га яқин медални қўлга киритган. Шулардан энг муҳим совринларни Санкт-Петербургдаги халқаро шахмат фестивалида, 2011 йилда Ҳиндистондаги Осиё чемпионати ҳамда 2012 йил ноябрь ойида Словениядаги жаҳон чемпионатида қўлга киритган. Унинг бундай юқори натижаларға эришишида нафақат унинг устози, балки оила аъзоларининг ҳам катта ҳиссаси бор. Нодирбекнинг отаси Баҳора Очилова ҳам шахмат бўйича икки карра Ўзбекистон чемпиони, 14 ёшли кизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш

**Уйғониш фасли
баҳорда бутун
борлиқ
кўкаламзорға
айланмоқда,
гуллаб-яшнамоқда.
Айни шу дамларда
юртимиздаги
барча мактаб
ўқувчиларининг
қувончи чексиз.
Улар ўқув
йилининг учинчи
чорагини
тамомлаб таътилға
чиқишди. Ҳамза
туманида
жойлашган 152-
ўрта мактабда шу
муносабат билан
ўқувчилар учун
катта байрам
тадбири ташкил
этилди.**

медал соҳибаси бўлган. Акаси Охунжон эса шахмат бўйича иккинчи тоифага эга. Оиладагиларнинг барчаси шахматни севишади, уйда жам бўлишса оилавий шахмат мусобақаси бошланиб кетади.

— Болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтиши учун уларни бирорта спорт турига жалб қилиш зарур деб ўйлайман, — дейди Нодирбекнинг отаси Марзия Очилова. — Шу йўл билан уларнинг бекор қолиб тарбияси бузилишининг олдини олган бўламыз. Чунки спорт кишини чиниқтириши билан бир қаторда уни эзгуликка чорлайди. Бунинг устиға фарзандингиз бир кун келиб жаҳон чемпиони бўлиши ҳам ҳеч гапмас. Ўзимиз бунга гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шу кун тадбир ташкилотчилари, барча йиғилганлар Нодирбекка тарбия берган ота-онасига тасаннолар айтишди. У саккиз ёшида мактаби, тумани, қолаверса юртимиз ифтихориға айланиб улгурди. Кекса отаонларимиз дуоға қўл очаркан, ёшларимиз орасида шундай чемпионлар кўпаявериши ҳақида тилак билдиришди.

Қўшалок байрамға айланиб кетган тадбир давомида иқтидорли ўқувчилар томонидан тайёрланган куй-кўшиқ, рақс ва сахна кўринишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Отабек ОТАЁРОВ

Баҳорнинг илк шабадаси киш уйқусида ётган бутун борлиқни ўзининг ҳаётбахш нафаси билан уйғотиб, Наврўз келиши билан она табиат бекиёс даражада гўзаллашиб, тоғ ва адирларда кўм-кўк майсазорлар, қийғос очилган лопалар, чўчмомаю бойчечаклар бутун тирик мавжудотни мафтун қилмай қўймайди. Наврўз кунлари катта-ю кичик она табиат билан янада яқин бўлишға ҳаракат қилади. Бу албатта табиийдир. Чунки биз ҳаммамиз она табиат фарзандларимиз.

Мутахассис маслаҳати

БАҲОРИЙ НЕЪМАТЛАР ТАНАНГИЗГА ҚУВВАТ БЎЛАДИ

Баҳор фаслида табиатда содир бўладиган ўзгаришлар ўз навбатида инсон организмига ҳам таъсир кўрсатиши табиийдир. Шунинг учун бўлса керак, баҳор кезларида турли ёшдаги кишилар ўртасидаги қуйидаги «шикоятларни» эшитиб қоламиз: «Ухлаб уйқуга тўймайман», «Иш қилмасам ҳам чарчаб қоляпман», «Ҳеч қандай сабабсиз тинкам қўрийдим» ва ҳоказолар.

Мана шу даврга келганда аҳоли ўртасида шамоллаш, вирусли касалликлар, томоқнинг яллиғланиши — ангина каби касалликлар кўп қайд қилинади. Шундай ҳолларни халқимизда «илик узилди» ибораси билан тушунтиришға ҳаракат қиладилар. Бизнингча, мана шундай ҳолатнинг келиб чиқишиға бир томондан баҳор фаслида кузатиладиган табиатдаги кескин ўзгаришлар сабаб бўлса, иккинчидан инсон истеъмол қиладиган сабзавотлар ва мевалар таркибидаги мавжуд витаминларнинг камайиб кетиши бунга олиб келади. Ҳақиқатан ҳам витамин сўзи лотинча бўлиб, «вита» — ҳаёт деган маънони билдиради. Витаминларнинг озиқ-овқат маҳсулотларида камлиги кишилар ўртасида гиповитаминоз касаллигининг пайдо бўлишға олиб келиши мумкин. Шунингдек, инсон организмидан турли хил касаллик қақирувчи микроорганизмларға қарши курашиш қобилиятлари кескин пасайиб кетади.

Ҳўш, бундай ҳолатнинг олдини олиш чораси борми, деган саволнинг туғилиши табиийдир. Бундай ҳолат баҳор фаслида нисбатан кўп кузатиладиган экан, демак унинг давосини ҳам ушбу фасл ўзи билан олиб келади. Баҳорги қувватсизликка қарши ҳозирги кунда она табиатнинг Наврўзи тухфа қилиб етказган ёввойи ошқўқлардан — ялпиз, жағ-жағ, кийик ўти, отқулоқ, исмалоқ, семизўтлардан турли хил сомсалар, чучвара ва мантлар, хоним каби таомлар тайёрлаш мақсадға мувофиқдир. Бундай таомлар аҳоли ўртасида баҳорда кузатиладиган гиповитаминоз касаллигини йўқотишда катта самара беради. Чунки номлари юқорида келтирилган ошқўқлар таркибида саломатлик учун жуда зарур бўлган турли хил вита-

минлар, микроэлементлар, биологик фаол моддалар кўпдир. Улар айниқса, аскорбин кислотасига, витамин В1, В-РР, Р, К ва каротинларға бой. Ёввойи ҳолда кенг тарқалган фойдали ошқўқлар ўз таркибидаги витаминларнинг миқдори ва сифати жиҳатида маданий ошқўқлардан қолишмас эканлар. Кузатишлардан шу нарса ойдинлашадикки, эрта баҳордаги паст ҳарорат, юқори намлик, нисбатан тоза ҳаво ёввойи ошқўқлар таркибидаги одам организми учун зарур витаминларнинг кўп йиғилишға сабаб бўлар экан. Кези келганда яна шу нарсани айтиш керакки, кўпчилик ошқўқлар таркибидаги аскорбин кислотасининг миқдори эрта тонгдан то тушға қадар ортиб бориб, сўнгра пасаяр экан.

Шу билан бирга организмнинг турли хил касалликларға курашиш қобилиятини оширувчи, кўзнинг кўриш қобилиятини яхшиловчи каротин моддаси ақсинча кўннинг иккинчи ярмида кўпроқ йиғилар экан. Бунда куёш нурунинг таъсири катта бўлса керак. Ошқўқларни қанчалик майда қилиб тўғраб, ёғ билан биргаликда пиширсангиз, улардаги каротин яхши ажралиб кўпроқ фойда келтиришини унутманг. Шунинг учун кўк сомса, мантларға думба қўшилиш мақсадға мувофиқдир. Ошқўқларни, соночи қоронда бўлган, автомобиль, темир йўлларидан, бериб келган одамларидан узоқроқ жойлардан теришға алоҳида эътибор беринг, акс ҳолда улар фойда ўрниға зарар келтириши мумкин. Наврўзда маҳаллаларда онахонларимиз томонидан кўпчилик иштироки билан тайёрланадиган сумалакни қувватдорининг ўзгинаси десак муболаға бўлмаса керак, чунки ўстирилган бугдой донидан тайёрланган сумалак таркибида жуда ҳам фойдали Е витамини бор. Шунинг учун минг йиллик тарихға эга бўлган сумалак баҳордаги қувватсизлиқнинг олдини олиш чораларидан бири эканлигини унутманг.

**Севара НОСИРОВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институти
Тошкент шаҳар филиали бўлим бошлиғи**

«101»

ЭЛЕКТР АСБОБЛАРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

**Инсоният ўз тараққиётининг илк
даврида оловдан турли
эҳтиёжларини қондириш воситаси
сифатида фойдаланиб келган. Бирок
ундан фойдаланишнинг ҳам ўзига
хос йўл-йўриги ва қоидалари бор.**

Шуни унутмаслик зарурки, бунинг учун, энг аввало, ҳар бир хонадон соҳиби электр асбобларидан тўғри фойдаланиши даркор. Улардан нотўғри ва меъёрдан ортқ даражада фойдаланиш натижасида эса ақсарият ҳолларда ёнғин содир бўлади.

Аҳоли хонадонларида ва иш жойларида электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир неча ток қабул қилувчи воситаларни улаш, электр ускуналарни қаровсиз қолдириш, улардан ёнғин хавфи бор жойларда очик ҳолатда фойдаланиш мумкин эмас. Табиий газни резина шланглар орқали улаш ҳам хавфли саналади. Айниқса, тунда газ плиталарининг ёниқ қолдирилиши тасодифан газ босимининг ошиб кетиши туфайли кўнгилсиз оқибатларға сабаб бўлиши мумкин.


Хулоса шунки, ҳар бир фуқаро ёнғин офатининг олдини олишға доимо эътибор қаратиб, хонадонда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда электр ва газ асбобларидан фойдаланса, ўзи ва яқинларининг ҳаётини хавф-хатардан сақлаб қолган бўлади.

**Д.АНВАРОВ,
20-ХЕХК инспектори, кичик сержант**

Шайхонтоҳур тумани, Оқибат кўчаси, 41-уйда яшовчи Махмудова Мавжуда Анваровнага тегишли бўлган 10 — 433/2009 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари ҳамда 11.12.2009 йилда берилган 18-формали маълумотнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 6-Қўйлик мавзеси, 23-уй, 8-хонадонда яшовчи Илхамов Юсуф Солижонвичга тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Миробод саноат қасб-хона қўшони томонидан 15.05.2008 йилда Акрамова Шахло Одиловна номига берилган К№ 862656 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Одамларнинг гап-сўзидан кўрксанг, ҳеч нима қилмаслигинг керак.

Иши битган ваъдасини унутади.

Биз бошқаларға ўзимиздан келиб чиқиб баҳо берамиз.

Одатда, ўзлари ҳеч кимға қилмайдиганлар ҳаммадан умидвор бўладилар.

Ҳар кимнинг ҳурмати ўзи билан.

Ҳаёт деб аталган уммонни сузиб ўтиш осон эмас.

Ожиз тилиға зўр беради.

Кўпчилик болаларининг таъминотини тарбиясидан устун қўяди.

Тилдан чиққан ҳар қандай сўз ҳам дилдан чиққан бўлмайди.

Риё бор дилда зиё бўлмайди.

Бировни тушуниш учун унинг даражасида бўлиш керак.

Кўз ҳаммани кўради-ю, ўзини кўрмайди. Шунга ўхшаб, инсон ҳам кўпинча ҳамманинг айбини кўргани ҳолда, ўзиникини кўрмайди.

Тор кўнгил — ичингдаги душман.

Ҳаммага ўзининг йўли тўғри кўринади.

Бахтининг қадриға етмаган уни бой беради.

Мўлжални тўғри олмаган адашди.

Бекорчи ҳамманинг кўзига хунук кўринади.

Ортиқча такаллуф остида бирор манфаат яширинган бўлади.

Нодон ўз ўрнини билмайди.

Кучаниш ожизға хос.

Фаросат туғма бўлади, уни минг ҳаракат билан қўлга киритиб бўлмайди.

Ҳаётнинг ҳар қадами ибрат.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 27 март кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража илқ, кундузи 20-22 даража паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 27 март кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража илқ, кундузи 20-22 даража паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 27 март кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража илқ, кундузи 20-22 даража паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилми: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатға олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлариға ёки «Тошкент почтамити» — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 341

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
14221 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топириш вақти: 13.00

Босишға топирилди: 14.00